Республика истеъмол бозорида мувозанат сақланишини ва барқарор тўлдирилишини таъминлаш, аҳолининг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш, шунингдек, товарларнинг айрим турларини қонунга хилоф равишда олиб кетилишининг олдини олиш мақсадида:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Истеъмол товарларининг айрим турларини олиб келиш ва олиб чиқиб кетишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

1. Юридик шахслар томонидан Ўзбекистон Республикаси божхона ҳудудига белгиланган тартибда олиб келинаётган товарлардан импорт бож тўловлари ундириш 1999 йил 1 январдан бекор қилинсин.

2. «Ўздавстандарт», Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги келтирилаётган истеъмол товарлари сифати устидан қаттиқ назорат ўрнатиб, уларга тегишли сертификатлар ва рухсатномалар ўз вақтида берилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги экспорт қилиш тақиқлаб қўйилган товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиш ҳолларига чек қўйиш юзасидан қатъий чоралар кўрсин.

Белгилаб қўйилсинки, экспорт қилиш тақиқланган товарларни юридик ва жисмоний шахслар (резидентлар ва норезидентлар) қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиши ҳоллари аниқланган тақдирда айбдор шахслар амалдаги қонунларга мувофиқ маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилади.

4. Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Миллий хавфсизлик хизмати билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси божхона хизматининг кўчма божхона постлари сонини кўпайтириб, қўшни давлатлар билан чегаралардаги дала йўллари ва айланма йўллар орқали товарларни қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетиш устидан назоратни кучайтирсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бир ҳафта муддатда:

манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда истеъмол товарларини Ўзбекистон Республикасининг божхона ҳудудидан қонунга хилоф равишда олиб чиқиб кетганлик, шунингдек, импорт қилинадиган товарларни сотишнинг белгилаб қўйилган тартибини бузганлик учун юридик ва жисмоний шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ва Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида белгиланган тартибда таклиф киритсин;

амалдаги қонунчиликни ушбу Фармонга мувофиқлаштирсин.

6. Экспорт қилиш тақиқланган товарларни қонунга хилоф равишда олиб кетиш ҳолларининг олдини олишда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига кўмаклашиш мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларини жалб этиб, аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Товарлар (ишлар, хизматлар) экспортини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 10 октябрдаги ПФ 1871 сонли Фармонига 5-сонли илова матнидан «сионизм» сўзи чиқариб ташлансин.

8. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 декабрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

Давлат-тижорат Халқ банкини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида

Халқ банки омонатчиларининг манфаатларини ҳимоя қилишни кучайтириш, унинг активлари банк фаолиятининг халқаро андозаларига мувофиқлигини таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, Молия вазирлиги ва Халқ банкининг Халқ банки низом жамғармасини уч миллиард сўм миқдорида белгилаш, унинг манбаларини қуйидаги улушда шакллантириш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин:

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (51 фоиз) — 1,53 миллиард сўм;

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки (49 фоиз) — 1,47 миллиард сўм.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банкига Халқ банки ресурсларини фуқароларнинг омонатлари тўла сақланишини кафолатлайдиган, талаб катта бўлган, ишончли ва кўп даромад келтирадиган сарфларга жойланишини таъминлаш тавсия этилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Халқ банкини 2002 йил 1 январига қадар барча турдаги солиқлардан озод қилиш, бўш маблағларини банк инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтириш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

4. Адлия вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Марказий банки билан биргаликда ушбу Фармон қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги таклифларни бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига тақдим этсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ушбу Фармонни бажариш юзасидан қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 декабрь.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1998 йил 26 декабрь, шанба • № 155-156 (24.393).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси тўғрисида АХБОРОТ

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 24 декабрда Тошкентда иш бошлади.

Парламент сессияси ишида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов иштирок этмоқда.

Мажлислар залида Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари, Республика ташкилотларининг раҳбарлари, хорижий давлатлар элчилари ва дипломатия корпуси вакиллари, Республика ва хорижий оммавий ахборот воситаларининг мухбирлари ҳозир бўлганлар.

Сессияни Олий Мажлис Раиси Э. Халилов бошқармоқда.

Сессия иштирокчилари 114-Қорадарё сайлов округидан Олий Мажлис депутати И. Теннинг хотирасини бир дақиқа сукут сақлаб эсга олдилар.

Олий Мажлис сессия ишчи органи — котибиятни тузди, кун тартибини тасдиқлади.

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида молия вазири Р. Азимов маъруза қилди. Парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов шу масала юзасидан қўшимча маъруза қилди.

1999 йилги Давлат бюджети лойиҳасини муҳокама қилишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси А. Тожиев, Сурхондарё вилояти ҳокимининг ўринбосари, вилоят хотин-қизлар қўмитасининг раиси Ш. Норбоева, Самарқанд вилояти Жомбой тумани ҳокими К.Исроилов, Олмалиқ кон-металлургия комбинатининг бош директори В. Сигедин, Ўзбекистон социал демократик «Адолат» партиясининг биринчи котиби, Тошкентдаги биринчи Давлат тиббиёт институтининг ректори Т.Даминов, Республика тадбиркорлар ва товар ишлаб чиқарувчилар палатасининг раиси М. Собиров, Деҳқон ва фермер хўжаликлари республика уюшмаси раиси А. Бобомирзаев иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия иштирокчилари ҳузурида сўзга чиқди. У келгуси йилги Давлат бюджети лойиҳасининг мазмунини, бундан буён иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш, саноат ва қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини кўпайтириш, халқ турмуши даражасини ошириш, кам таъминланган оилалар ижтимоий муҳофазасини кучайтириш юзасидан қандай чора-тадбирлар кўзда тутилаётганини ҳар томонлама очиб берди. Президент солиқлар тизимини такомиллаштириш, бошқарув аппарати ва ички ишлар органларини сақлаб туришга харажатларни янада камайтириш, қуролли кучларни ислоҳ қилиш юзасидан кўзда тутилаётган чора-тадбирларга алоҳида тўхталди, бу тадбирлар бюджет маблағи анча тежалишини таъминлайди ва бу маблағ ишлаб чиқариш соҳасига ажратилади. Шунингдек, у бюджет ижроси устидан парламент назоратини кучайтириш муҳимлигини таъкидлади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетини тасдиқлади.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқий масалалари бўйича парламент қўмитаси раисининг ўринбосари Ф. Муҳитдинова депутатларга Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодекси лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз тумани ҳокими Ш. Алланазаров, Урганч қурилиш коллежи директори И. Бойжонов, Тошкент вилояти Бўка тумани ҳокими Р. Обидов, Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сурхондарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ҳ. Эрматов нутқидан сўнг Олий Мажлис Ўзбекистон Республикаси Уй-жой кодексини тасдиқлади.



Олий Мажлиснинг кечки йиғилиши Уй-жой мулкдорларининг ширкатлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқиш билан бошланди. Уни Олий Мажлиснинг Қурилиш ва уй-жой-коммунал хўжалик қўмитаси котиби Т. Усмонов депутатларга тақдим этди. Бу лойиҳани муҳокама қилишда Андижон шаҳри ҳокими А. Собиров, «Ўзкоммунмаштаъминот» ишлаб чиқариш бирлашмасининг бош директори О. Мансуров, Толлимаржон ГРЭСи қурилиш бошқармаси монтажчилари бригадири В. Южалкин иштирок этди. Қонун лойиҳаси депутатлар томонидан биринчи ўқишда маъқулланди, уни умумхалқ муҳокамаси учун «Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталарида эълон қилишга қарор қилинди.

Парламентнинг иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев Тадбиркорлик ва тадбиркорлар фаолиятининг кафолатлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси тўғрисида маъруза қилди. «Ўзбекистон темир йўллари» Давлат-акционерлик компанияси Фарғона бўлимининг бошлиғи М. Мирҳамзаев, Хоразм вилояти Хонқа тумани ҳокими К. Ортиқов, Навоий шаҳри ҳокими Б. Ҳамдамов, республика Бизнес-фонди бошқаруви раиси А. Юсупов шу ҳужжат юзасидан сессия минбарига чиқиб, ўз фикрларини айтдилар. Депутатлар қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқулладилар ва уни умумхалқ муҳокамасига қўйишга қарор қилдилар.

Олий Мажлис Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоиловнинг Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тинглади. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Фарғона вилояти Тошлоқ тумани ҳокими С. Мирзаев, Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани ҳокими Ш.Исанов, Наманган вилояти ўсимликларни ҳимоя қилиш Мингбулоқ тумани инспекциясининг мудири К. Иззатиллаев иштирок этди. Депутатлар Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти устидан давлат назорати тўғрисидаги қонунни қабул қилдилар.

Сессияда парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитасининг раиси А. Аҳадов Лизинг тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Бу қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Навоий вилояти Томди тумани ҳокими А. Назаров, Фарғона вилоятидаги «Қувамебель» акционерлик жамияти бошқаруви раиси М. Исмоилов, Муборак газ конлари бошқармаси бошлиғи Н. Зайниев иштирок этди. Депутатлар Лизинг тўғрисидаги Қонунни биринчи ўқишда маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

Сўнгра парламент Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонун лойиҳасини кўриб чиқди. Депутатларга уни Олий Мажлиснинг Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг раиси А. Йўлдошев тақдим этди. Шу қонун лойиҳаси юзасидан Фарғона вилояти Қува туманидаги Ш. Рашидов номидаги «Анор» жамоа хўжалиги бошқаруви раиси М. Сайфитдинова сўзга чиқди. Олий Мажлис Инвестиция фаолияти тўғрисидаги қонунни қабул қилди.

***

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси 25 декабрда ўз ишини давом эттирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов сессия ишида иштирок этди.

Сессияни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Раиси Э. Ҳалилов бошқарди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг раиси Н. Исмоилов депутатларнинг кўриб чиқиши учун иккинчи ўқишда Адвокатлик фаолиятининг кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги қонун лойиҳасини тақдим этди. Андижон вилояти Избоскан тумани ҳокими С. Бегалиев, Жиззах вилоят болалар шифохонаси бош врачи Ҳ. Алимова, Фарғона вилояти Ёзёвон туманидаги 1-интернат-лицей ўқитувчиси А. Мадаминов, парламентнинг Бюджет, банк ва молия масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ў. Дониёров нутқидан сўнг Олий Мажлис Адвокатлик фаолияти кафолатлари ва адвокатларни ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги Қонунни қабул қилди.

Олий Мажлиснинг Атроф-муҳит ва табиатни муҳофаза қилиш масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ш. Жўраев депутатларга Ўрмон тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида ахборот берди.

Шу қонун лойиҳаси тўғрисида «Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана»газеталарининг бош муҳаррири А. Суюнов, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмасининг раиси, Ўзбекистон халқ шоири А. Орипов ўз фикрини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу масала юзасидан сўзга чиқди. У ўрмоннинг халқ хўжалиги, экология, тарбия ва эстетика соҳаларидаги аҳамияти жуда катталигини, одамларнинг, айниқса ёшларнинг ҳаёти ва саломатлиги учун ўрмон жуда муҳимлигини таъкидлади. Республикамизнинг ҳар бир фуқароси, деди Президент, ўрмон халқнинг бебаҳо мулки, табиат эҳсон қилган буюк бойлик эканини чуқур ҳис этиши лозим. Уни асраш ва кўпайтириш, келажак авлодлар учун сақлаб қолиш муштарак вазифамиздир. Шу билан бир вақтда давлат бошлиғи дарахтларни асоссиз кесиб ташлашга ва иншоотларни қуриш чоғида, бошқа хўжалик фаолиятида дов-дарахтларни йўқ қилиб ташлашга йўл қўйиб бўлмаслигини таъкидлади.

Парламент қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллади ва уни халқ муҳокамасига қўйишга қарор қилди.

Парламентнинг Матбуот ва ахборот қўмитаси раиси Ў.Ҳошимов депутатларга Реклама тўғрисидаги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда тақдим этди. Шу масала юзасидан Иқтисодий ислоҳотлар ва тадбиркорликни ривожлантириш қўмитасининг котиби Т. Файзуллаев, Самарқанд тумани ҳокими Р. Ҳакимова, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Қорақалпоғистон бўлими тил ва адабиёт институтининг бўлим мудири Ҳ. Ҳамидов, Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани ҳокими Р. Сиддиқов сўзга чиқди. Депутатлар Реклама тўғрисидаги Қонунни тасдиқладилар.

Саноат, энергетика, транспорт, алоқа ва аҳолига хизматлар кўрсатиш қўмитаси раиси И.Кочмарик сессияда Радиочастота спектори тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақида маъруза қилди. Қонун лойиҳасини муҳокама қилишда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Электроника институти директори Ў.Расулов, Тошкент вилояти Бўстонлиқ тумани ҳокими А.Абдувосиқов, Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш акциядорлик бирлашмасининг бош директори В. Кучеров, Сирдарё вилояти Ширин шаҳри ҳокими И. Эрбеков иштирок этди. Парламент қонунни тасдиқлади.

Сўнгра Олий Мажлиснинг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси Н. Исмоилов депутатларга Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси янги таҳririни тақдим этди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу масала юзасидан сўзга чиқди. У мамлакатимиз ҳаётида маҳалланинг алоҳида аҳамиятини таъкидлаб, фуқаролик жамиятини қуриш айрим ҳокимият вазифаларини давлат органларидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва оммавий ахборот воситаларини жалб этиб, аҳоли орасида кенг тушунтириш ишларини олиб борсин.

Давлат бошлиғи ижтимоий ўзини ўзи бошқаришни ривожлантиришнинг учта асосий йўналишини белгилаб берди. Биринчидан, маҳаллий ҳаётга доир масалаларни ҳал қилиш учун бу органларга кенг ваколат бериш, иккинчидан улар зиммасига юклатиладиган вазифаларни қонун билан мустаҳкамлаб қўйиш ва шу йўл билан уларнинг нуфузини ошириш, учинчи йўналиш, ўзини ўзи бошқариш органларининг молиявий базасини мустаҳкамлаш билан боғлиқ.

Президент қонун лойиҳаси янги таҳрирининг ўзига хос жиҳатларини кўрсатиб, депутатларнинг эътиборини аҳолининг кам таъминланган табақаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш учун бюджетдан ажратиладиган маблағни тақсимлаш ишида оқсоқолларга кафолат, аҳоли коммунал хизмат ҳақини тўла тўлашини ташкил этишда юқори натижаларга эришган ўзини ўзи бошқариш органларининг ходимларини рағбатлантириш бўйича кенг ҳуқуқлар беришга қаратди. Тўловларнинг юз фоиз тушуми таъминланса, унинг бир қисмини маҳалла тасарруфи учун бериш кўзда тутилмоқда. Даромадлари бу хизматларга ҳақ тўлаш имконини бермайдиган оилаларга ёрдам кўрсатиш зарурлигига эътибор қаратилди. Маҳаллаларда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлашга жамоатчиликни жалб этиш, фуқароларнинг сиёсий фаоллигини бутун чоралар билан ошириш зарурлиги алоҳида қайд этилди. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонун лойиҳасини барча даражадаги депутатлар иштирокида батафсил муҳокама қилиш, одамларнинг фикрини, уларнинг қатъий фуқаролик мавқеини аниқлаш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Олий Мажлис қонун лойиҳасини биринчи ўқишда маъқуллаш тўғрисида қарор қабул қилди.

Депутатлар Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари Ф.Муҳитдинованинг нодавлат нотижорат ташкилотлари тўғрисидаги қонун лойиҳаси ҳақидаги маърузасини тингладилар ва уни биринчи ўқишда маъқулладилар.

Парламентнинг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва озиқ-овқат қўмитаси раиси Х. Тошевнинг маърузасидан сўнг депутатлар Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунни тасдиқладилар.

Сўнгра Олий Мажлис парламент ўн учинчи сессияси котибияти раҳбари Ш. Алланазаровнинг сессия иши кунларида тушган мурожаатлар тўғрисидаги ахборотини тинглади.

Олий Мажлис Ўзбекистон Республикасининг бир қанча давлатлараро битимларини ратификация қилди, ўз ваколатларига оид бошқа айрим масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн учинчи сессияси шу билан ўз ишини якунлади.

Бу дунёнинг ишлари

Битим ратификация қилинди

Европа Иттифоқи кенгаши бош котибиятидан олинган хабарга кўра, 1998 йилнинг 23 декабрида Бельгия парламенти Ўзбекистон Республикаси ва Европа Иттифоқи ўртасидаги Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни ратификация қилиш жараёнини тугаллади.

Битим Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов томонидан 1996 йилнинг июнь ойида Флоренцияда имзоланган эди.

Бельгия Европа Иттифоқи кенгашини Шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни расман ратификация қилгани тўғрисида хабар қилган ўн тўртинчи давлат бўлди.

«Жаҳон» АА

Жиноий иш қўзғатилди

Тбилисида Греция фуқароси ушбу мамлакатни Грузиядаги элчихонасининг қўриқлаш ва хавфсизлик масалалари бўйича атташеси Анастасиос Мизитрасос ўлдирилиши муносабати билан Грузия бош прокуратураси томонидан жиноий иш очилиб, тергов ҳаракатлари бошлаб юборилди. Бу ҳақда Грузия бош прокуратурасининг матбуот марказида тарқатилган хабарда айтилади. Ҳужжатда айтилишича тергов жараёнини тезлаштириш ва бу ишнинг ҳақиқий аҳволини ўрганиш учун қўшма тезкор тергов гуруҳи тузилди. Ушбу гуруҳга Давлат хавфсизлиги вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги ва Грузия прокуратурасининг алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари ҳамда криминалчи экспертлар бор. Қотиллик юзасидан тергов ҳаракатлари устидан назорат қилиш Грузиянинг бош прокурори Жамлет Бибилашвилига топширилган.

Ислоҳотлар йўли ўзгармайди

Украина бундан буён ҳам жамоат сиёсий ва иқтисодий ислоҳотлар йўлидан оғишмай бораверади. Бу ҳақда Украина Вазирлар Маҳкамасининг йиғилишида Бош вазир Валерий Пустовойтенко айтди. У ҳукуматга «Украина — 2010» режасининг лойиҳасини тақдим этди. Ҳукумат раҳбарининг айтишига кўра бошланган ўзгаришлардан воз кечиш Украина учун ҳалокатдан бошқа нарса эмас. Пустовойтенконинг айтишича Украина XXI асрга ривожланган давлат сифатида кириб келиши керак. Бунинг учун мустаҳкам иқтисодий ўсишни таъминлаш, мамлакат саноат иқтисодий қурилишида барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш муҳимдир. Украинанинг ривожланган давлатлар қаторига қўшилиши режаси ҳукуматнинг навбатдаги оддий ҳужжатларидан бири эмас. Ушбу ҳужжат мустаҳкам пойдеворга эга бўлиб, давлат талабларига тўлиқ жавоб беради, деди Пустовойтенко. Бош вазирнинг айтишига кўра янги режани ҳокимиятнинг барча бўғинлари қўллаб-қувватлайди.

Келишиб олишди

Япония билан Эрон қурол-яроғларни тарқатмаслик ва қуролсизланиш, терроризмга қарши кураш соҳаларида биргаликда куч-ғайрат сарфлаш ҳақида келишиб олишди. Япония ташқи ишлар вазири Масахико Комура ва унинг эронлик ҳамкасби Камол Харазий бу ҳақда қўшма матбуот анжуманида айтишди. АҚШ Эрон билан муносабатларни яхшилаш соҳасида чин кўнгилдан ҳаракат қилиши керак, деди Камол Харазий. Бинобарин, ҳозирги вазиятни ўзгартириш учун АҚШ сиёсий ирода кўрсатиши керак, деб қўшиб қўйди у.

Эҳтиётсизлик оқибати

Американинг Нью-Жерси штатида юз берган автоҳалокат туфайли саккиз киши ҳалок бўлди. 20 киши турли даражадаги жароҳатлар билан шифохоналарга ётқизилди. Штат полициясининг расмий вакили хабар қилганидек, Атлантик-сити шаҳрига кириб келаётган туристик автобус ҳайдовчиси машинани бошқаролмай қолди. Йўл тўсиқларини синдириб, ағдарилиб кетди. Айни пайтда ҳодиса юз берган жойда полиция ва шифокорлар ишламоқда. Қурбонлар сони янада кўпроқ бўлиши мумкин. АҚШ ҳудудига бирданига тушган совуқ туфайли йўлларда ноқулай шароит юзага келди. Натижада юзлаб автомобиль ҳалокатлари юз бермоқда. Қорбўрон кунларида эҳтиётсизлик қилишнинг оқибати ҳунук бўлди.

Меҳрдан олам мунаввар

Яқинда пойтахтимиздаги «Чинобод» сиҳатгоҳида ўтказилган хайрия тадбири ана шундай номланди

Халқимиз азалдан меҳрмурувватли, саховатли. Муқаддас динимизда ҳам, кўпгина урф-одатларимизда ҳам кишиларнинг бир-бирларига оқибатли, хайр-саховатли, мурувватли бўлишлари лозимлиги ёдга солиб турилади. Инсонларни ҳамиша мурувватли бўлишга чорловчи байрамларимиз, маросимларимиз ҳам талайгина. Биргина Наврўз байрамида ҳам барчамиз баҳор айёмига ҳамоҳанг қанчалик саховатли эканлигимизни намоён этамиз. Она табиатдан руҳланиб саховат бобида унданда қолишмаслигимизни кўрсата оламиз.

Қадрият

Шукроналар бўлсинки, осойишта ва обод юртимизда исталганча хайр-саховатли бўлишга имконимиз бор. Ҳар бир қишлоқ, маҳалла, кўчаю кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи ночорроқ кимсаларга, хусусан, ногиронларга баҳоли қудрат ёрдам қўлимизни чўзамиз. Алалхусус, юртимизда бирор кимсанинг кўча-кўйда хор-зор бўлиб ётганини учратмаймиз. Туғилганидаёқ ногиронлик қисматига дучор бўлганлар ҳам аслида маънан мажруҳ бўлмайди. Улар учун юртимизда жуда кўп қулайликлар яратилган. Ногиронлар уйлари, даволаниш масканлари ҳамиша улар хизматида.

Жаҳон миқёсида ҳам ногирон шахсларга мурувват кўзи билан қаралади. Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг қарорига кўра ҳар йили 3 декабрь — Халқаро ногиронлар куни деб эълон қилинган. Бу кун дунёдаги барча мамлакатларда ногиронлар учун ўзига хос байрамга айланади. Юртимизда ҳам ўша куни ногиронлар уйларида, турли сиҳатгоҳларда хайрия тадбирлари ўтказилади. Унда иштирок этишган кўплаб саховатли, мурувватли кишилар ўзларининг инсонийлик бурчларини адо этадилар.

Турли тоифадаги даволанувчи ва дам олувчилар билан гавжум «Чинобод» сиҳатгоҳида ўтказилган ана шундай хайрия тадбири кўпчиликда илиқ таассурот қолдирди. Юнусобод туман ҳокимлиги, хотин-қизлар қўмитаси, Қизил ярми ой жамияти ва мазкур сиҳатгоҳ маъмурияти томонидан ўтказилган тадбирда қизиқарли суҳбатлар бўлди. Сиҳатгоҳ бош шифокори Насим Зуфаров, Юнусобод туманидаги 253-мактаб директорининг ўринбосари Гавҳар Намозова ва бошқалар инсонлар меҳридан олам нақадар мунаввар эканлиги ҳақида, саховат қанчалар савоб келтириши тўғрисида сўзладилар.

Тадбирда иштирок этишган хушовоз хонандалар Хожиакбар Ҳамидов, Маҳмуджон Азимов дилрабо қўшиқлари билан барчани хушнуд этдилар. «Мирзо» театри артисти Шукуржон Исроилов ва бадиий ҳаваскорлар гуруҳи даврага файз бағишладилар. Шоир Абдулла Турдиев ўзининг янги шеърларидан ўқиб берди.

Хайрия тадбири ва концертдан тушган маблағ Қизил ярим ой жамияти ҳисобига ўтказилди.

Ваҳобжон ТОЖИЕВ,
«Чинобод» сиҳатгоҳи маданий-оммавий ишлар ташкилотчиси

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қарори

Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим этилган, муҳокама давомида Олий Мажлис депутатлари билдирган таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда қўшимча равишда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджетининг лойиҳасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси қ а р о р қ и л а д и:

1. Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети бюджет тақчиллигининг энг юқори даражаси (мақсадли фондлар бунга кирмайди) ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан 3,0 фоиз миқдорида белгиланган ҳолда маъқуллансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

макроиқтисодий барқарорлик янада мустаҳкамланишини ва мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга, саноатда ва қишлоқ хўжалигида таркибий ўзгаришларни амалга оширишга, ижтимоий сиёсатни рўёбга чиқаришга маблағлар устувор тарзда ажратилишини таъминласин, бунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини, соғлиқни сақлашдаги ислоҳотларни, шунингдек аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш кучайтирилишини ўз вақтида ва тўлиқ молиявий таъминлашга алоҳида эътибор берсин;

Давлат бюджетининг тақчиллигини қоплаш учун Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг кредитлари давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан келадиган даромадлар, давлат мулкини хусусийлаштиришдан олинадиган тушумлар ва, зарур бўлганда, пулнинг қадрсизланиши билан боғлиқ бўлмаган бошқа манбалар жалб этилишини назарда тутсин;

мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ҳамда бюджетнинг 1999 йил биринчи чораги, биринчи ярим йиллиги ва тўққиз ойидаги ижроси якунлари бўйича, зарур бўлганда, Давлат бюджетининг ялпи ички маҳсулот ҳажмига нисбатан белгиланган тақчиллиги миқдори доирасида даромадлар ва ҳаражатлар бўйича бюджетнинг асосий кўрсаткичларига аниқликлар киритиб борсин;

Олий Мажлисга, қоида тариқасида, йилнинг ҳар чорагида Ўзбекистон Республикасининг 1999 йилги Давлат бюджети ижроси тўғрисида ҳисобот тақдим этсин.

3. Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари:

бюджетга тўловлар барча манбалар ҳисобига тўлиқ тушишини;

харажатлар маҳаллий бюджетлардан ўз вақтида ва тўлиқ маблағ билан таъминланишини;

маблағлар белгиланган мақсадга мувофиқ фойдаланилиши устидан қаттиқ назорат қилинишини ҳамда маҳаллий бюджетлар ижросини йилнинг ҳар чорагида кўриб чиқилишини таъминласинлар.

4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига Давлат бюджети тақчиллигини қоплаш учун ялпи ички маҳсулот ҳажмининг бир фоизи миқдорида кредитлар бериб борсин.

5. Республика Давлат бюджетининг 1999 йил 1 январдаги ҳолатига кўра амалдаги тақчиллиги суммасининг Марказий банк кредитлари ҳисобидан қопланган қисми давлат ички қарзининг кўпайиши ҳисобига ўтказилсин.

Белигилаб қўйилсинки, 1999 йил 1 январдаги ҳолатга кўра давлат ички қарзи 1999 йилдан эътиборан 10 йил мобайнида тенг улушлар билан республика бюджети ҳисобидан тўланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Раиси Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
1998 йил 25 декабрь.

Фош этилдилар

Туманимиз ҳудудидаги «Ҳақиқат» жамоа хўжалигининг Кўрғонча қишлоғида яшовчи фуқаро Алижон Ғофуров Тожикистон Республикасидан 242 литр спирт келтириб сотишга чоғланганида қўлга тушиб, суд ҳукми билан уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилинди.

Турғун савдо дўкони бўлмаган жойда озиқ-овқат маҳсулотларини сотаётган Файзулло Мадраҳимов, Қобилжон Очиловга маъмурий жавобгарлик чоралари қўлланилмаганда кимлардир уларнинг маҳсулотидан заҳарланиши мумкин бўларди.

Солиқ ҳаёти

Назармаҳрам қишлоғидаги «Яхши ният» савдо ишлаб чиқариш фирмаси бошлиғи Илоҳитдин Ҳошимов эса савдо билан шуғулланиб 1187283 сўмни назорат-касса машинасига киритмаган. Харидорларга чек бермай савдо қоидаларини бузган. Унинг бундай қилмиши ҳам фош этилиб тегишли чора кўрилди.

Солиқ тушумлари давлатимиз хазинасини тўлдиришини ҳисобга олсак, 111-махсус қурилиш корхонаси раҳбари Одилжон Ҳомидов ва ҳисобчиси Аширбек Абдуллаевнинг 1996-1997 йилларда 61 минг сўм камомад вужудга келишига сабабчи бўлгани, 684,5 минг сўм солиқ ва бошқа тўловларни яшириб, камайтириб кўрсатгани ҳам кечириб бўлмайдиган ҳол. Ҳозир текшириш якуний ҳужжатларини туман прокуратураси ўрганмоқда.

Шаҳрихон тўқимачилик ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятида эса 1997 йили 3 миллион 623 минг 400 сўм даромад яширилган. Бу яширилган даромадга қўшимча қиймат солиғи, жами 11 миллион 694 минг сўм бюджетга ундириш кўрсатилди. Қилвирлик қилган жамият раҳбари Одилжон Толипов, бош ҳисобчи Инъомжон Қодировларга Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 184-моддаси 3-қисми билан жиноий иш қўзғатилди.

125-хўжаликлараро қурилиш корхонасида ҳам шунга монанд қатор камчиликлар мавжудлиги аниқланди. Корхонанинг 23405587 сўм дебиторлик, 13622797 сўм кредиторлик қарзларининг 60 кунлик муддати аллақачон ўтса-да, ундириш ва тўлаш тадбир-чоралари кўрилмаган.

Фош этилган бу фактлар ходимларимиз ишининг сўнгги натижалари. Аммо, минг афсуски, шу каби нуқсонларга ҳали чек қўйилган эмас. Шунинг учун ҳам солиқчиларнинг билим ва малакаларини ошириш мақсадида ишдан кейин ўқув машғулотларини уюштирдик. Уларга қонун ва қарорлар туб мақсад-моҳиятини ўргатиш билан бир қаторда маънавий-маърифий дарслар ўтказиш ҳам машғулотлар мундарижасидан ўрин олмоқда.

Аҳмаджон РАСУЛОВ,
Шаҳрихон тумани Давлат солиқ инспекциясининг бошлиғи, солиқ хизмати 3-даражали маслаҳатчиси

Суратларда: Олий Мажлиснинг XIII сессиясида Абдувоҳид ТЎРАЕВ ва Рўзмат ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар

Раис зўрми ё қонун?

Ҳурматли таҳририят!

Мен олий маълумотли аграномман. Ернинг тилини тушунаман. Бир сиқим тупроқдан нима ундириш илмини ҳам, амалиётини ҳам яхши биламан. Очиғи, маълумотим, билимимга яраша жамоа хўжалигида, ҳатто туманда ўз мутахассислигим бўйича бирор лавозимда фаолият кўрсатишим мумкин. Соҳамга оид ҳар қандай вазифани рисоладагидек уддалашимга ишонаман. Бироқ, бугун мансаб, лавозим талашадиган давр эмас! Ҳақиқий мард — кучини майдонда кўрсатади! Менга кенг дала, қўлимда кетмон бўлса бас. Дейлик, 6 гектар майдондан олти миллион сўмдан ортиқ соф фойда олишим мумкин. Албатта бу фойдадан, аввало, илгари жамоа хўжалиги бўлган, ҳозирда эса — «Мингчинор» агросаноат тижорат фирмаси манфаатдор бўлади! Даромадга яраша буромад бўлади. Тегишли солиқ тўловлари ҳам шунга яраша тўланади! Бир сўз билан айтганда — элимиз, юртимиз фаровонлиги учун бел боғлаб меҳнат қилишга қодирман!..

Юртбошимиз Ислом Каримов яқинда Самарқанд вилоятининг сессиясида сўзлаган маърузасини эшитаётиб, очиғи, телевизоримизни қучоқлаб олдим, эллик ёшдан ошган мендек эркакнинг кўзларимдан шашқатор ёшлар қуйилди. Ҳақиқат тантанаси қошида ўзимни тута олмадим...

Ахир, ишлайман, деган одамга нега ер берилмаслиги керак? Нечун у сарсон-саргардон бўлиши керак? Мансабларни занжирдек эгаллаб олган ошна-оғайнилар «халқаси»да нечун сарсон-саргардонликка маҳкумман?.. Афсуски, бизнинг Иштихон туманидаги бошқарув тизимида ана шундай қариндош-уруғчилик «халқа»си мавжуд. Бунинг оқибатида эмин-эркин меҳнат қилишда ҳам тўғаноқлар пайдо бўлаверади...

Ахир, ишлайман деган одамга қулайроқ ерлардан беришнинг имкони бор-ку! Мен бу ҳақда туманимиз ҳокими Собир Муродовга ариза билан мурожаат қилдим. Ҳоким эса биринчи ўринбосари Нурмамат Турсуновга буюрди. Турсунов ўз навбатида чиройли «виза» қўйиб, раисимиз Қурбонжон Эргашевга узатди. Қурбонжон Эргашев бошқарув ҳайъати йиғилишида бу масалани ижобий ҳал этди ва 1998 йил 29 августдаги 29-қарори билан 6 гектар ер ажратиб берди. Ўша қарордаги чиройли бир жумлага эътибор беринг:

«Президентимизнинг «Деҳқон хўжаликларига тубдан ёрдам бериш ва қ ў л л а б - қ у в в а т л а ш тўғрисида»ги Фармонига асосан «Чавандоз» деҳқон хўжалигига Қ. Холиқов звеноси ҳисобидаги 6 гектар ер ажратиб берилсин».

Отангга балли, дея қўлга катта кетмон олиб далага чиқдик. Болачақа билан ишга киришдик. Таассуфки, 19 сентябрь куни ғалати воқеа юз берди: ўша раисимиз Қурбонжон Эргашев 30-қарори ёзилган қоғозни тутқазди. Не кўз билан кўрайки, унда қуйидаги сўзлар битилган эди:

«... хўжаликнинг № 29. 08.98 йилги қарори ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин...»

Ҳеч нарсага тушунмадим. Деҳқон хўжалигимизга берилган ер олиб қўйилди. Ҳокимга арз қилиб борсам, биринчи ўринбосари Н. Турсуновга юборди. Н. Турсунов бўласи — раис Қ. Эргашевга ишора қилади, раис ҳокимга боринг, дейди, хуллас, шу «халқа»да жоним ҳалак...

Қизиқ, нега энди ишлайман, даромад келтираман, деган одамга ёрдам бериш ўрнига сарсон-саргардон қилишади? Ахир, қонунимиз меҳнат қиламан деганлар учун тоғдай таянч-ку! Ё, раис Қурбонжон Эргашев ўша қонунлардан ҳам зўрроқмикин?..

Ҳақиқат қарор топишини кутиб қолувчи

Акбар САИДАЗИМОВ,
Самарқанд вилояти, Иштихон тумани.

Бир хат изидан

МУХБИР ШАРҲИ:

Осмон узоқ, ер қаттиқ, фермер Акбар Саидазимов иложсиз қолди. Ер олиб бола-чақам билан ишлайман. Фидойилик кўрсатаман. Халқ фаровонлиги йўлида жонимни ҳам аямайман, деган инсон ёлғизланиб қолди. Ноҳақликдан юраги санчди. Ҳақиқат излади. Нажот истаб таҳририятга келди.

Нега битта раҳбар йиғирма кун ичида бир-бирига зид иккита қарор қабул қилди?! Қонун ва қоидани менсимади? Шу ва шу каби саволларга жавоб топиш учун Иштихон туманига бордик.

— Ана шу ерни менга берганди. Қарангизлар, ўзлари экин экяпти, — деди у йўл четидаги майдонни кўрсатиб.

Дала бошига бордик. Бизга ўзини бош ҳосилот, дея таништирган Бахтиёр Юсупов пешвоз чиқди. Ундан раҳбар Қурбон Эргашевни сўрадик.

— Иш билан юрган бўлса керак, — дея мужмал жавоб берди у.

Раисни излашга тушдик. Идора ва уйига бордик. Белгиланган жойларда ҳам бўлдик. Лекин у еру кўкда йўқ эди.

— Кечқурун соат 17 ларда йиғилиш ўтказади. Идорада кутамиз, — деди бош ҳосилот биздан безгандек. Хўжалик мутахассислари, бўлим, бригада, звено бошлиқлари ва пудратчилар билан раҳбарни роса кутдик. Атрофга назар ташлаймиз. Одамларни суҳбатга чорлаймиз. Идора олдидаги хўжаликнинг машина-трактор саройида турли русумдаги катта-кичик трактор ва машиналар очиқ ҳавода сақланяпти. Қаровсизликдан техника қисмлари ён-атрофда сочилиб ётибди.

Хўжаликнинг 330 гектар токзори, 40 гектар ғаллазори, 28 гектар боғи бор экан. Бу йил 33 тонна майиз, 30 тонна узум, ҳар гектар сувли ердан 24 центнердан ғалла етиштирибди. Фирманинг иқтисодий аҳволи ночор. Одамлар йиллаб маош олишмайди. Ҳайронсан киши. Тупроғида зар ундирса бўладиган сувли, унумдор ерлардан нега узумдан ҳам, ғалладан ҳам кам ҳосил олинаяпти?! Сабаби нимада? Ўйланасан, ташвишланасан...

Раҳбарни кута-кута тоқатимиз тоқ бўлди. Йиғилишга келганлар ҳам бирин-кетин тарқала бошлади. Соат 19ларда биз ҳам орқага қайтиш учун йўлга тушдик. Идорадан салгина юрганимизда йўл ўртасидаги «ГАЗ-31» автомашинасига кўзимиз тушди.

— Ана шу машина раҳбарники, — деди Акбар Саидазимов. Яқин бориб машина ичига назар ташладик. Олдинги ўриндиқда бир киши маст ҳолда ухлаб ётарди. Базўр уйғотиб:

— Ўзингизни таништиринг, ким бўласиз, — дея сўрадик.

Мастликдан тили калимага келмай:

— Хўжаликнинг эгасимиз, раҳбаримиз. Қурбон рулда эди. Қаёққа кетганлигини билмайман, — деди у. Кейин билсак, маст киши раҳбарнинг поччаси экан. Раҳбарни излаб яна идорага келдик. Қурбон Эргашев бузилиб қолган машинасини тузатишга, созлашга топшириқ бераётган экан. Танишдик, сўрашдик. «Оби замзам» таъсирида сархуш бўлганлиги учун шикоят, аниқроғи ҳақли талаб юзасидан гаплашишнинг, фикрлашишнинг иложи бўлмади.

Иштихонда ер олиб меҳнат қилиш, яратувчилик ва бунёдкорлик ишқида яшаётган Акбар Саидазимовга амалий ёрдам берадиган ҳушёр раҳбар топилармикан?!

Лутфулла МАМАСОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози»нинг махсус мухбири

Суратда: газета мухбири сархуш раис Қ. Эргашевдан «интервью» олаётган пайт.

Ўктам ШАРИПОВ олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси «Озиқовқатсаноат» уюшмаси ва «Самарқанд — Прага» қўшма корхонаси жамоалари

Мамлакатимиз халқини Янги, 1999 йил билан чин юракдан муборакбод этади. Ҳар бир оилага тинчлик, осойишталик ва бахт-саодат тилайди. Кейинги йилларда уюшмамиз корхоналарида кенг миқёсдаги иқтисодий ислоҳотлар амалга оширилди. Рақобатбардош, импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқариш борасида катта тажриба тўпланди. Янги-янги корхоналар бунёд этилди. «Самарқанд — Прага» қўшма корхонасида эришилган ютуқлар ҳам салмоқли.

Халқимизни Аёллар йили билан табриклар эканмиз, барча оилаларга хотиржамлик, барқарорлик ва дастурхони ҳамиша тўкин бўлишини тилаймиз.

«ТОШШАҲАРЙЎЛОВЧИТРАНС» ДАВЛАТ УЮШМАСИ ЖАМОАСИ



Барча юртдошларимизни 1999 йил билан чин дилдан муборакбод этади.

Мамлакатимизда кенг миқёсда амалга оширилаётган ислоҳотлар халқимизни нурли келажакка етаклаётганига ишонамиз. Зеро, 1998 — Оила йилида амалга оширилаётган тадбирларнинг асосий мақсади ҳам шу бўлди!

Бошланаётган 1999 йилни Аёллар йили деб эъзозлаяпмиз. Ҳадиси шарифда ҳам «Жаннат оналар оёғи остидадир» дейилади. Аёл зоти борки, бу — онадир! Илоё, бошланаётган йилимиз юртимизнинг ҳар бир гўшасини жаннатга айлантирсин!

Истагимиз — давлатимиз қудрати барча жабҳада янада ошсин!

Ниятимиз — Ватанимиз тараққиётнинг ойдин йўлидан дадил одимлайверсин!

Бахтимизга жонажон диёримиз иқболи ҳамиша баланд бўлсин!

Қутлуғ айём кунларида ҳар бир хонадонга тинчлик, бахт-иқбол тилаймиз!

Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз ватандошлар!

Ҳукумат истеъфога чиқарилди

Қирғизистон Республикаси Президенти мамлакат ҳукуматини истеъфога чиқарди. Чунки ушбу ҳукумат иқтисодий инқироз билан курашишга ярамай қолди. Давлат раҳбари хавфсизлик кенгашининг мажлисида бу ҳақда ахборот берди. Давлат раҳбарининг матбуот котиби Қанибек Имоналиевнинг айтишига кўра, Қубанчбек Жумалиев ўзи бош вазир этиб тайинланган шу йилнинг апрель ойидан буён Асқар Акаев унинг олдига қўйган бирон бир вазифани ҳам бажармаган. У иқтисодий инқирозга қарши курашиш ҳақидаги вазифаларни эса тўлиқ тушуна олмаган. Қанибек Имоналиевнинг айтишига кўра, шу муддат ичида қирғиз сомининг қадри тушиб саноат ишлаб чиқариши миқёси пасайган ва охир оқибатда аҳолининг турмуш даражаси оғирлашиб борган. Давлат раҳбарларининг айтишига кўра, ҳукумат билан Миллий банкнинг бир-бирига номуносиб фаолияти туфайли мамлакатда иқтисодий вазият оғирлашган. Қирғизистон Бош вазири вазифасини унинг биринчи ўринбосари Борис Силаев бажариб турадиган бўлди. Асқар Акаевнинг Фармонига биноан 41 ёшли Қубанчбек Жумалиев раҳбарлигидаги собиқ ҳукумат истеъфога чиқарилди. Янги ҳукумат эса шу йилнинг охиригача тузиб бўлинади.

Янги Бош вазир

Туркия Президенти Сулаймон Демирэл ўтган чоршанба куни иқтисодиёт ва савдо вазири 54 ёшли Ялим Айризга янги ҳукумат тузиш вазифасини топширди. Айриз журналистлар билан учрашувида ўзига топширилган вазифа анча оғир эканлигини, бироқ парламентнинг ишончига сазовор бўлган маҳкама тузишга эришиши мумкинлигини ишонч билан айтди. Маълумки, мафия билан алоқадорликда айбланган Месут Йилмаз ҳукумати истеъфога чиқарилганидан сўнг сўл демократик партия раҳбари Бюлент Эжевитга янги ҳукумат тузиш топширилган эди. Бироқ, у кутилган натижага эриша олмади.

Ҳосилдорлик камайди

Об-ҳавонинг ноқулай келиши, сурункали ёмғир ва дўллар туфайли бу йил Афғонистонда кўкноридан олинадиган ҳосилдорлик пасайиши кутилмоқда. Гарчи кўкнори экиладиган майдонлар одатдаги 58,5 минг гектардан 63,6 гектарга кенгайтирилган бўлса-да, ялпи ҳосил камаяди. Шу боис ҳам афъюн ишлаб чиқариш камайиши кутилмоқда. 1997 йилда 2102 тонна кўкнори етиштирилган. Толибонлар БМТни кўкнори экиладиган майдонларни қисқартиряпмиз, деб ишонтиришларига қарамай улар фермерларни қўллаб-қувватламоқдалар. Чунки кўкнори етиштиришдан толибонлар ҳукумати ҳам манфаатдор. Ахир фермерлар ўзлари топган фойдадан ўндан бирини толибларга беришади. Фермерлар эса, ҳар килограмм афъюнни 18-22 доллардан сотмоқдалар. Ҳозирги пайтда Афғонистонда героин ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган 200 га яқин лаборатория ишлаб турибди. Толиблар ушбу рақамнинг ярмини қисқартирдик, дейишмоқда. Бироқ уларнинг энг яқин дўсти бўлмиш Покистон ҳам бу сафсатага ишонмаяпти.

Ҳазилдан ташқари

Севгини сир тутинг

